



«ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА» ИМЗОЛАНДИ

Музокаралар якунида президентлар Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги «Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома»ни тантинали равишда имзоладилар.

Бундан ташқари, Қозоғистон Президентининг Тожикистонга давлат таширифи доирасида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди:

1. Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Тожикистон Республикаси Марказий сайлов ва референдум комиссияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми;
2. Қозоғистон Республикаси Саноат ва қурилиш вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлиги ўртасида саноат ҳамкорлиги тўғрисидаги меморандум;
3. Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув хўжалиги вазирлиги ўртасида нефть ва газ соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
4. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалигини инновацион ва рақамли ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида ўзаро англашув меморандуми;
5. Қозоғистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Инновациялар ва рақамли технологиялар агентлиги ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик меморандуми;
6. Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радиокўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
7. Қозоғистон Республикаси Саноат ва қурилиш вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Меъморчилик ва қурилиш қўмитаси ўртасида қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
8. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси ўртасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
9. Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Ёшлар ишлари ва спорт қўмитаси ўртасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;
10. Қозоғистон Республикаси Савдо ва интеграция вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва савдо назорати агентлиги ўртасида стандартлаштириш, метрология ва мувофиқлини баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
11. Қозоғистон Республикаси Алматы вилояти ҳокимлиги ва Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти давлат ҳокимияти ижроия ҳокимияти ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
12. Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Ижроия хизмати ўртасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
13. «Қазақстан темір жолы» МК» ҳиссадорлик жамияти ва «Роҳи охани Тоҷикистон» давлат унитар корхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
14. «Қазатомсаноат» миллий атом компанияси» ҳиссадорлик жамияти ва «Тожикистон нодир металлари» давлат унитар корхонаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми;
15. «Ассамблея ёшлари» республика жамоат бирлашмаси ва «Тожикистон ёшлар иттифоқи» жамоат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум.

Шунингдек, Душанбеда ўтган Қозоғистон – Тожикистон сармоявий анжумани якунлари бўйича умумий қиймати қарий 900 миллион долларлик тижорат шартномалари имзоланди.

Akorda.kz.



ҚОЗОҒИСТОНДА УЧТА ЯНГИ БАЙРАМ ПАЙДО БЎЛДИ

Қозоғистон Ҳукумати мамлакатда дам олиш кунлари рўйхатини кенгайтирди.

Шундай қилиб, рўйхатга Миллий матбуот куни қўшилди. Қозоғистонликлар бу байрамни 2 февраль куни нишонлашади.

15 февраль – Совет қўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқилган кун.

1 октябрь эса расман Радио ходимлари куни деб эълон қилинди.

Маданият ва ахборот вазирлиги соҳа ходимларининг касб байрамлари мамлакат оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча рағбат бўлишини таъкидлади.

Қарор 2024 йил 21 августдан қучга кирди.

Касбий байрамлар рўйхати ётага кўпайгани ҳақида аввал хабар берилган эди:

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳаси ходимлари куни – 7 апрель;

Уй-жой коммунал хўжалиги ходимлари куни – 16 апрель;

Метрология ходимлари куни – 20 май;

Ветеринарлар куни – 10 июль;

Овчилар куни – сентябрь ойининг биринчи шанбаси;

ҚР Олий таълим ходимлари куни – 1 октябрь;

Андазалаш ходимлари куни – 14 октябрь;

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати куни – 18 ноябрь.

24.kz.

Жанубий Қозоғистон

Президент

ҚОЗОҒИСТОН – ТОЖИКИСТОН: ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК

Қозоғистон ва Тожикистон умумий тарих ва маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган, тарихан Буюк Ипак йўлининг ўта муҳим бўлини ҳисобланган Марказий Осиёнинг икки давлатидир.

Икки мамлакат халқларининг муштажам дўстлиги, яхши қўшничилиги ва бир-бирлари ўртасидаги ўзаро ҳурматга асосланган кўп асрлик тарихий ва маданий муштараклиги мамлакатларимиз муштараклиги кўлга киритганидан кейинги йиллар давомида ҳам ўзаро муносабатлар ривожига асосий омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари «Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномада муҳрланган.

Икки қардош давлат етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги сай-ҳаракатлари туфайли Қозоғистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар сўнгги йиллар давомида мутлақо янги амалий мазмун билан тўлган ҳолда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Тожикистонга давлат таширифи доирасида ўтказилган учрашуларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланаётгани таъкидланди.



– Биз ишончли иттифоқчилармиз. Қозоғистон Тожикистоннинг қозоқ халқига хайрихоҳлигини юксак баҳолайди. Мазкур ташриф ҳамкорлигимиз ривожига янги суръат бағишлашга хизмат қилади. Бугун Иттифоқ муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланади. Ушбу ҳужжат улкан тарихий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан бир қатор долзарб масалалар юзасидан мазмунли

фикр алмашамиз, деб ўйлайман, – деди Қозоғистон Президенти.

Эмомали Раҳмон икки томонлама ҳамкорлиқни юксак баҳолаб, Қозоғистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шерикликни янада муштажамлаш ниятида эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида савдо-иқтисодий, транспорт-транзит, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик, шунинг-

дек, қишлоқ ва сув хўжалигини рақамлаштириш, интеграциялашув масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Қозоғистон ва Тожикистон иқтисодиёти ривожига янги суръат бағишловчи сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Akorda.kz.



ЭҲТИРОМ. ЭЪТИРОФ. ЭЪТИБОР

ДАВЛАТ РАҲБАРИ КОНЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИ ИМЗОЛАДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Фармони билан Кончилар куни арафасида мамлакатимиз кўмир саноатидаги самарали меҳнати ва тараққиётга қўшган ҳиссаси учун бир гуруҳ кончилар ва саноат ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Хусусан, 36 нафар кончига «Қўрмет» ордени берилди. 1 нафар ходим II даражали «Еңбек даңқы» ордени билан, 27 нафар кончи III даражали «Еңбек даңқы» ордени билан, 43 нафар фуқаро «Ерен еңбегі үшін» медаллари билан тақдирланди.

24.kz.

БАРАКАЛИ ХИРМОН КЎТАРИЛДИ



Сайрам туманида жорий йили жами 24,3 минг гектар майдонга бошоқли дон экинлари экилиб, бугунги кунга қадар 24,026 минг гектар майдонда ҳосил йиғиб олинди. Ҳар гектардан 20,6 центнердан хирмон кўтарилиб, жами 49,5 минг тонна маҳсулот етиштирилди.

Жумладан, 20,1 минг гектар майдонга бўғдой экилган бўлса, бугунги кунга қадар асосий майдондаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 21,0 центнерни ташкил этиб, жами 43,5 минг тонна бўғдой хирмони уюлди.

Шунингдек, 3,3 минг гектар майдонга арпа экилиб, бугунги кунга қадар асосий майдондаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 18,0 центнерни ташкил этди. Шу кунгача жами 6 минг тонна арпа хирмони бўй кўтарди.

З. МҮМИНЖОНОВ.



ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Сайрам туманида чорвачиликни ривожлантириш, аҳолига арзон ва сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил бошида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кўпайтириш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, ижросини таъминлаш қатъий назоратга олинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чорвачиликнинг энг асосий тармоғи бўлган қорамолчиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири – бу ихтисослашган хўжалиқларни ташкил этишдир.

Хусусан, бу борада Сайрам туманида ҳам лойиҳалар мавжуд. Четдан сермаҳсул гўшт ва сут йўналишида насли моллар олиб келиш режалаштирилган. Мақсад – янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш. Бундан ташқари, ноқонуний берилган ерлар юзасидан ҳам аниқ қарорлар қабул қилиниб, чора курилади. Ветеринария соҳасидаги ишларни тартибга солиш бўйича қатор тақлифлар кўриб чиқилмоқда. Бу борада амалга оширилаёт-

ган ишларни атрофлича ёритиш мақсадида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди барча соҳа мутасаддилари билан учрашиб, масала атрофлича муҳокама қилинди. Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Сайрам тумани вилоятнинг энг йирик туманларидан бири, аҳоли зичлиги жуда юқори, ривожланиш салоҳияти юксак бўлган кўп миллатли ҳудуддир. Туман аҳолисининг асосий касби – чорвачилик. Туман қорамол гўшти етиштириш ва сотишда нафақат республикамиз, балки хорижий давлатларга ҳам гўшт етказиб беради. Қорамол боқиш бўйича вилоятда етакчи ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Туманда тартибсиз савдога чек қўйилиб, санитария талабларига риоя этилиши назорат қилинади. Шу ўринда барча масъул раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

Бугунги кунда туманда 200 мингдан ортиқ қорамол мавжуд. Туманда кунига ўртача 3 минг бош қорамол сўйилади. Бўрдоқлаш майдончаларида 2000дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Сайрам туманидаги аҳоли манзиллари ичида энг кўп аҳоли истиқомат қиладиган Қорабулоқ қишлоғида иккита йирик мол бозори фаолият юритмоқда.

Молнинг қони ва сукларини қайта ишлаш цехлари барпо этилмоқда. Тумандаги ҳар бир қассобхона, тадбиркорлар, моллар сони тўлиқ ҳисобга олинаб, рўйхатга туширилган. Молнинг жун ва терисини қайта ишлаш ва утилизация қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

“БАДАСТИР МАКТАБ”ЛАР ҚУРИЛИШИ ҲОКИМ НАЗОРАТИДА

Вилоятимизда “Бадастир мактаб” миллий лойиҳаси доирасида уч йил давомида камида 50 минг ўқувчиға мўлжалланган 63та мактаб қуриш режаланган. Аини пайтда 29та мактабда қурилиш ишлари олиб борилмоқда, улар йил охиригача фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳоқими Дархан Сатибалди “Samruk-Kazyna Construction” ҳиссадорлик жамиятининг Туркистон вилоятида миллий лойиҳани амалга ошириш бошқармаси бошлиғи Саен Аширбаев ва барча масъул шахслар билан йиғилиш ўтказди ва улар билан ҳамкорликда белгиланган вазифалар ижросини муҳокама қилиб, масъулиятсиз шахсларга нисбатан чора кўрилишини таъкидлади.

Шу билан бирга, минтақа раҳбари «Бадастир мактаб»лар қурилишидаги

мавжуд ҳолат, бинокорларнинг фаолиятидаги тизимли муаммоларга тўхталиб, камчиликларни тезкор бартараф этиш дастакларини яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Бу бизнинг тарихимизда бўлмаган лойиҳа. Барчамизга улкан масъулият юклайди. Шунинг учун, ишни ўз вақтида ва самарали бажариш учун бор кучингизни сарфланг. Турли баҳоналар инobatга олинмайди. Агар муаммолар мавжуд бўлса, уларни ўз вақтида айтиш керак. Белгиланган муддатларнинг бузилиши одатий ҳолга айланмаслиги керак. Шу билан бирга, иш сифати паст бўлмаслиги даркор. Акс ҳолда айбдорларга нисбатан чора кўрилади, – деди Дархан Сатибалди.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

»» Вилоят ҳоқимлигида

Вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишев раҳбарлигида ўтган кенгаш йиғилишида янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари таҳлил қилинди. Вилоят таълим бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Жандўс Маханбетули вилоятимиздаги ўрта таълим даргоҳларининг 910таси давлат, 143таси хусусий мактаблар эканлигини таъкидлаб, биринчи синфга жами 52042 ўқувчи қабулланганини кутилаётганлигини маълум қилди.

753 мактаб замонавий, 157 мактаб эса мослаштирилган бинокорларда жойлашган. 321 таълим даргоҳида қиймати 20,1 млрд тенгелик таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, тубдан ва жорий таъмир ҳамда интернет билан таъмирлаш масалалари ҳақида бошқарма раҳбарлари ахборотлари ҳам тингланди. Вилоят маслаҳати депутати Инара Намазбаева Туркистондаги Некрасов, Отатурк номли мактабларни

Янги ўқув йилига мактаблар шайми?

таъмирлаш масаласини кўтарди. Депутатлардан тушган саволларга берилган жавоблар асосида маслаҳат раиси Нурали Абишев вилоятимиздаги кўмир билан иситиладиган мактабларнинг эндигина 34 фоизи ёнлиги билан таъминланганлигини қуйи кўрсаткич сифатида баҳолаб, 15 октябрда бошланадиган иситиш мавсумигача тезкор чора-тадбирлар кўриш лозимлигини, мактабларни интернет тизими билан таъмирлаш масаласи икки ваколатли ташкилот – бири етказиб берувчи, иккинчиси ундан фойдаланувчи муассасалардан иборатлиги амалда жиддий муаммога сабаб бўлаётганини қайд этди.

Вилоят ҳоқими ўринбосари Бейсен Тажибаев депутатлардан тушган саволларга жавобан муаммоли жиҳатга эътибор қаратди. Яъни, мактаб бино-

ларини тубдан таъмирлашга зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда маблагни асоссиз равишда кўп талаб қилиш ҳоллари учрайди.

Асосий эътибор ўқув бинокорларнинг давр талабига мувофиқлигига қаратилиши шарт. Таъкидлаш жоизки, маблаг иккиламчи даражадаги бинокорларни таъмирлашга сарфланиб, пировардида вилоят бюджетига салбий таъсир кўрсатмоқда, – деди Б. Тажибаев.

Тадбирга яқун ясаган вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишев бошқармалар фаолиятини таҳлил қилувчи жами 11 комиссия иш юритаётганлиги, барча депутатлар шу комиссиялар таркибиде эканлигини таъкидлаб, иштирокчиларга миннатдорчилик билдирди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Ўранғай ва Ясси қишлоқларидаги анжуман

ТЕРАН ТАРИХДАН – ЁРҚИН КЕЛАЖАККА

Туркистон шаҳри, Саврон тумани ҳамда Қарноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмалари фаоллари – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг фаол обуначилари иштирокидаги “Оталар чойхонаси”нинг навбатдаги анжумани Саврон туманининг Ясси қишлоғидаги тарихий обидани зиёрат қилишдан бошланди.



Қишлоқ марказидаги “Кўк тўнли ота” мақбарасига олиб борадиган йўл тўлиқ асфальтланган, атроф ободонлаштирилган. Давлатимизнинг “Тоza Қозоғистон” дастури амалда ўз самарасини бераётганлиги дарҳол кўзга ташланди, атроф тоза, озода. Мақбара олдида меҳмонларни қишлоқ ҳоқими Сиздик Пирметов, имом Бобош Мутенов, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ғанишер Неъматов, ташкилотчи фахрий отахон Обиддин Фахриддинов, М. Аюезов номли мактаб ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Раҳматулла Ёқубов, Тўлебий номли мактаб тарих ўқитувчиси Шавкат Худойбергеновлар кутиб олишди. Яссавийнинг замондоши бўл-

Ҳазрат Яссавий хотиржамлик билан китобларни бирма-бир ҳовуздан олар экан, жавоб қотади.



– Китоб – кони фойда, дуру гавҳар. Мен уларнинг чангини қоқдим, холос. У сувли ҳовуздан мутлақо қул-қуруқ китобларни олишда давом этганида меҳмон аллома Яссавий кароматига тан берган экан. Яна нақл қилинишича у зот доимо эгнига кўк тўн кийиб юргани туфайли “Кўк тўнли ота” номини олган экан. Яқин вақтларгача аҳоли кўк йўтал бўлган чақалоқларни Кўк тўнли ота мақбараси пойидаги тупроққа юмалатиш орқали даволаган.

Ясси қишлоғи марказидаги бу йил кўкламда фойдаланишга топширилган “Қабанбай батыр”

лаётган Мухтар Аюезов номли мактаб ҳовлисида меҳмонлар адибга ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Тадбирда Саврон туман маслаҳати депутатлари Абдирашид Жусупов ҳамда Хуршид Шароповлар ҳам иштирок этишди. Мактаб этнография музейида директор ўринбосари Аҳмадҷон Аҳмедов Ўранғай қишлоғининг 1300 йиллик тўйини ўтказишда олимлар, хусусан, А. Яссавий кўрикхона музейи археолог олими Марат Туяқбаев мактаб музейи тарихий экспонатлари таҳлили асосида илмий хулосалар чиқарганини баён этди.

Мазкур ўқув даргоҳининг спорт соҳасида, хусусан, юнон-рим кураши бўйича эришган ютуқлари мўл. Фахрий спортчилар орасида кураш бўйича ўтган жаҳон биринчилиги ғолиби Нурахан Ўтепбергенов илк устози Тойир Тойжонов, Ирискул Сулаймоновлар ҳақида ҳамда марҳум қишлоқ имоми Абдумуталиб Носировдан фотиҳа олганлиги, ёш курашчилар учун эски бинони ҳомийлар кўмағида тубдан таъмирлаб, замон талабига мувофиқ жиҳозлангани, шахсан ўзи ҳам хайрли ишга маблаг сарфлаб хисса қўшганини меҳмонларга гапириб берди. Қишлоқ ҳоқими ўринбосари Фарход Бойметов, мактабнинг собиқ директори Нурлан Қадировлар ҳам Нурахан Ўтепбергенов фаолиятига юксак баҳо беришди.

Тадбиркор, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Муҳаммаддин Дўсонов барпо этган “Ўранғай” тўйхонасидаги “Оталар



ган Кўк тўнли ота ҳақида қуйидаги ривоят диққатга сазовордир. Ул зоти муборақнинг доврларидан огоҳ бўлган ҳамда суҳбат қилмоқ мақсадида кўхна китобларни туяларга юклаб Туркистонга келган. А. Яссавий меҳмонни қарши олган, улвога юкланган барча китобларни сув тўла ҳовузга ташлашни амр қилган. Бундан ҳайратга тушган Кўк тўнли ота Ҳазрат Яссавийдан сўрайди.

– Эй, шайхларнинг шайхи, китобларни ҳовузга ташлаб барбод этмоқдан қандай наф?

истироҳат боғида меҳмонлар афсонавий қаҳрамонга ўрнатилган ёдгорликни томоша қилиб, пойига гуллар қўйишди. Утганлар руҳига Қуръон тиловат қилиниб, эл тинчлиги, фаровонлиги учун дуо қилинди.

Тадбиркор Абсамат Матқармули ҳомийлигида барпо этилган туплор устидаги “Қабанбай батыр” ҳайкали шубҳасиз, ёш авлодда ватанпарварлик руҳини шакллантиришда улкан аҳамиятга молик. Ўранғай қишлоғи марказидаги Нуржан Қадиров раҳбарлик қи-

чойхонаси” тадбири иштирокчиларига таниқли санъаткор Ғанишер Неъматов, Раҳматулла Ёқубов, Шерали Тўрахоновлар иштирокида дилрабо қўшиқлар армуғон этилди. Фахрий санъаткор, етмиш ёшн қаршилаган Файзулла Мирзахмедов сурнайда кўхна ўзбек куйларини ижро этганида фахрий отахонлар Айниддин Абубакиров, Бобоҷон Ёқубов, Фарход Абдуллаев, Мирзахон Адхамовлар гулдурас қарсақлар остида рақсга тушиб, даврага фазл киритишди.

Вилоят, Туркистон шаҳри ва Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раислари Баҳодир Ирисметов, Қурбонбой Ирисбеков, Райимжон Қўчқоровлар табрик нутқида келаси ой поёнида вилоят марказида ўтадиган “Ўзбек тили, маданияти ва аънаналари байрами”га тайёргарлик ҳақида баён этишди. Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков адиб Қулбек Ергўбекнинг китобини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр қилдирган таржимон Долимжон



Сайфуллаевага иззат-икром кўрсатиб, ташаккурнома тақдим этиб, кифтига тўн ёпди. “Инсоннинг бир қувончи фарзанд эрур” деб номланган ушбу рисола Абай номидаги давлат муқофотиға тавсия этилганлиги ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам нашр қилинганлиги барчамиз учун фахр ва ифтиҳор. Яна қатор фаолларга, хусусан, Айниддин Абубакиров, Обиддин Фахриддиновларнинг ҳам кифтига тўн ёпилди.

Яна бир иждокор Ирискул Аббосов “Умримдан хотиралар” китобини меҳмонларга тақдим этди. А. Яссавий мақбарасини муҳофаза қилиш жамоат ташкилоти фахрий раиси Жонтемир Алимов ҳам ўз нутқида теран фикр, мулоҳазаларни кўпчилиққа хавола қилди. “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси раҳбари Райимжон Алибоев тахририят номидан табрикларини баён этиб, доимий

фаол обуначиларга миннатдорчилик изҳор этди. Ташкилотчи оқсоқол Обиддин Фахриддинов, шоир Поччохон Бобоҷонов, Йўлдош Қосимовлар меҳмонларга аталган ниятларини назм орқали баён этиб, шеърларини ифодали ўқиб бериб, олқишга сазовор бўлишди. Ўз навбатида “Оталар чойхонаси” дастурига ҳомийлик қилган Обиддин Фахриддинов, Йўлдош Қосимов, Сами Аҳмедов, Поччохон Бобоҷонов, Раҳматулла Ёқубов, Ғанишер Неъматов, Убайдулла Исоқов, Наби Муҳиддинов каби ҳимматли инсонларга эл бирлиги, юрт туваллиги, ёшлар саодати мақсадини ниёт тутган ажойиб анжуман учун миннатдорчилик билдираимиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Ясси ва Ўранғай қишлоқларида ўтган анжуман лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.

»» Буюк Даштнинг улўғ алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Нихоят, Султон тарафдан нидо келди:
— Ана энди сўллашамиз, саёқ мирзо!

Кутбиддин юрак ютиб отасининг юзига қараб синиқ илжайди. Султон ўглининг эни-бошига қайта разм солди, ичида қайнаб турган меҳрини сездиргиси келмай, панд берди:

— Уйдин чиқиб кетганингизда шахзода эдингиз, қаландар бўлиб қайтибсиз-да? Бизнинг девона ўғлимиз йўқ, мана бу тожу тахт эгаси бўлмиш валиаҳд бор эди, деб юрибмиз. Бул не турки тароват? Боринг, сассиқ жандаларингизни айирбошлаг, андин сўгин мусоҳаба қилгаймиз.

Кутбиддин бир қадар дидилланди:

— Таассуфким, фурсат ўтди, қиблагоҳ, — деди тавозе билан, — расули худо айтмишларки, ан-назофату мин алимом, деб. Яъниким, тозалик имондандур. Бул ҳадиси шариф буйруғи шулки, ҳар мўмин-мусулмон барча нимарсаларини покиза тутмоғи лозимдур. Хусусан, аввало киятурғон либосларни. Сўфийлар либосини сассиқ демоқ ножоиздур, ҳазратим.

Султоннинг аччиғи келди. Истеҳзоли кулди.

— Хулласи калом, бизнинг устимиздаги мана бу зарбофдин сининг жандангиз тозароқ экан-да, ўғлим?

— Асло. Имони тоза бандасининг либоси ҳам тозаликда баробардур. Подшолар жумла ҳалойиқнинг маънавий отасидур, аларнинг тақволарига шах келтирмақ гуноҳи азимдур.

Султон тикка савол берди:

— Мундоқ разм солсам, ақлу ҳушингиз жойида кўринадур. Илло бир мушкул сўроғ тинчлик бермайдур. Қўтлуғ хонадонингиздин, волидаи меҳрибонингиздин, шахзодалик рутбасидин воз кечиб, топқанингиз не бўлди? Мана бу чиркин кулоҳми? Ана у мўйнингиздаги ёнғоқдек қора тошу эски чорикму? Не топқанингиз?

— Мен ўзимни топдим, бузруквор. Зоҳирни бўзиб, ботинни тузат, дейдилар пири комил. Шайхимнинг бул дурри ҳикматлари энди ақлим етди. Кимки ички оламни саранжом этмас экан, ул кимса ҳақ жамолидин бебаҳрайдур. Бул ҳақиқатни энди англадим. Надоматлар бўлғайки, басир кўзим юмуқ экан, Ҳазратимнинг инояти туйфайли сурат не, сийрат не, фарқиға бордим. Илгари бу фариб ўғлингиз суратимга маҳлиё эканман, зоҳиран ўзимга зеб бермакка ружу кўйибман, билъакс, шариаднинг пўсти надир, мағзи надир — гофил қолибман. Бул гафлатдин Сиз қиблагоҳим мени оғоҳ этдингиз. Пиримнинг даргоҳина элтангингиз эвазига то қиёмат қадар дуойи жонингизни қилгайман, бузруквор.

— Ҳазрат зиёратини ихтиёр этганимизда биз салтанатга равнақ ва баракот тиласин, деб ният қилиб эдик. Илло тахт ворисини Ҳазрат қулчиликка қабул этсинлар, деган мудароимиз йўқ эрди. Султоннинг нечук мурид бўлиб, не хорликлар кўрганлигини ҳам эшитдик. Кимсан — Самарқанду Бухоро хонининг валиаҳди саҳройлар бирла ўтин териб, мол боқиб, кўча супуриб, хо-жатхона тозалаб юрганмиш? Ё жаббор! Шахзодани омиё халқ бирла тенг тутиб анга кўча супуртирмақ қайси маз-ҳабда бор?!

«Ҳаммасини билибди» деб ўйлади Кутбиддин.

Дарҳақиқат, сўфийлар сулукига қўшилган ёш муриднинг синаш йўллари кўп эди. Масалан, унга қирқ кун мол боқтиришар, қирқ кун чўлдин ўтин тердилар, яна қирқ кун ҳаммоллик қилдилар, ҳатто бозор-ўчарда тиланчилик қилишгача мажбур этардилар. Дарвишлик ихтиёр қилиб хонақоҳга бош уриб келгувчи мурид аслзодалар хонадонидан бўлса, синов қаттикроқ кўчарди. Кутбиддиннинг бошоридан ҳам қорли-қировли, ҳақоратному дамлар хийла кечди. Тўғри, унинг хонзодаларга хос гурурини синдириш учун Бобо Мочин эҳтимол ҳаддан зиёдроқ қийнагандир.

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий Роман



Аммо Кутбиддин чеккан заҳматларига пушаймон эмас. Аксинча...

— Ҳазрати пиримга қилган қулчилигимдин шоён розидирман, — деди Кутбиддин, — мол боқдим, ер қавладим, лой тегиб карпич ясадим, йиғоч кесдим, сув ташиб ариқ қазидим... Мана, қўлларимга қаранг, бузруквор, деҳқоннинг қадоқ қўлидин фарқи йўқ. Бир бурда нон топиш нечоғлиқ машаққат эканлигини бошимдин ўткардим. Офтоб дўзах ўтидек қиздиради, юлғунни тортабериб қўлларинг шилиниб кетади, оёқларингга чақиртиканақлар кириб товоининг тешади, кўз ёшларинг аччиқ терга қўшилиб томоғингни бўғади. Саҳродан то бозоршабга ўтин ортоқлаб бораман деб... минг ўлиб, минг тирилсан. Елканг яғир бўлиб кетади. Дунёга келганингга пушаймонлар ейсан. Аммо ўтинни сотиб, эвазига олиб еган нонинг бирам тотлиб, бирам мазали бўладики... Шул ёшқа кириб, шунча йил дастурхонингиздин туз-намак тотиб, бу қадар ширин нон емаган эдим, отажон. Куфр сўзлаган эрсам, густоҳлик қилган эрсам, жоним кўлингизда. Ўз ҳалол меҳнатинг ила топиб еган ризқинг, етти олам муқофотию жаннатул сафо меваларидин ҳам аъло бўлар экан...

Султон ўйга чўмиб, ўғлининг қора чақмоқдек ёниб турган намли кўзларига, кўркам чехрасига тикилганча қолди.

— Шунча жабру жафодин сўнг ҳам... тавба қилмадингму? — деди ниҳоят Султон.

Кутбиддин бош чайқади.

— Билъакс, бузруквор, шукр қилдим. Роҳат ичра гарқ бўлдим. Пиримни дуо қилдим. Ҳазратимга йўлқитириганингиз учун сиз қиблагоҳимга гоийбона раҳматлар айтдим. Пирим, «Деҳқон эмас, кетмон чопиб нон емас», деб ҳикмат айтдилар. Бул ҳикмат маънисига етгандек бўлдим. Ахир, аҳли жамоат биладики, Ҳазратимнинг ўзлари кунига бирор соат ёнғоч қошиқ, белкурак ясаб, алар ҳисобига рўзғор тебратдилар. Меҳнатдан келган лўкма ҳалол бўлғай, деб ўғит қиладилар.

Кутбиддиннинг ҳар гапида Шайхни эслатиши Султоннинг гашини келтирди. Ёдига тунов кун чиллашир тужжор етказган хат тушди. Дийдор тафтидан эриб турган кўксига совуқ шабада югурди. «Кунига тўрт дона қошиқ ясаган кимса курсоғини тўйдирар олармиди? Бул эл кўзига бир ниқоб бўлса ажаб эрмас».

— Шайхимнинг бул юмуши бизга ғалати кўринадур. Дунёнинг тўрт тарафидин тева-тева хайр-эхсон келиб турган бўлса... Алар камлик қилодирми, бозорға белкурак чиқориб соттирмасалар...

— Боҳиммат зотларнинг марҳаматлари ҳақ йўлига кирган шокирлар бирла зокирлар харажатадан ортмас, ҳазратим. Пирим тева-тева ҳадя-эхсонларга кўз қилларини ҳам солмайдилар. Етим-есирга, ғарибу ғурабога бўлиб беринлар, дейдилар. Хонақоҳ эҳтиёжига сарф этишга буюрадилар. Аҳли тариқат ичинда бир «Хув» бирла қулбаи эҳзонин тарк этган, эл-жамоатни ҳақ йўлига чорлаб, тун-кун тоат-ибодат ила машғул бандалар сон мингта, қиблагоҳ.

— Халқ лафзиди бир мақол

бордирки, эшак минган элда кўп, йўл топмаган йўлда кўп, демишлар. Сен айтган нота-вон бечоралар йўлидан адашган гумроҳлардир, болам. Шукриллоқим, мана тувгон элингни топиб келибсан. Энди бу ёғини тангрим ўзи ёрлақасин.

Кутбиддин сергак тортиди. Отаси уни тавба қилиб, қайта уйига бош уриб келди, деб хомхаёл қилаётган эди. Султон аста туриб тахтдан паства тушди. Ўғлини тирсагидан олиб, ёнига, атлас кўрпачага ўтказди. Елкасидан кучган бўлди. Кулоҳини олиб қўйиб, тақир бошини силади. «Кичик калит катта эшикни очибди. Ширин-ширин сўзлай, урсанг эти қотади, сўксанг бети қотади, дерлар. Зора мажнунлик феълини ташласа. Ҳали суяғи қотиб қотмаган. Не илож этиб бўлса-да, бу болани дарбағдин малика беҳабоб, уйдан қайта саройга қайтармоқ даркор».

— Биз волиданг бирла сени интизор бўлиб кутдик. Сенин бул ерда ўлтирганингдин малика беҳабоб, уйдан қайта саройга қайтармоқ даркор. Биз минбаъд борар боғимизни ўйламоғимиз вожибдур. Тунов кун жаннатмакон бобонг — илоё парвардигор унинг охириятини обод қилгай — тушимга кирибди. «Сен мевадин қолдинг, ўтказган кўчатиң қани?» деб жигаримни хун қилди. Навниҳолим ўзинг, Кутбиддин. Шунча йил оч-наҳор, ялангоёқ, ночор, нолон, меҳрга зор, бир култум шарбатга зор бўлиб бировлар эшигиде саргардон юргангиз етар. Кўхна китобларда ҳам битилганки, гоҳо шахзодалар бедаво даргда йўлиқиб, уйдан «ёху!» деб чиқиб кетармишлар. Ул китобларда ёзилғони ҳамоқат. Сенин не дардинг, не кемтик еринг бор? Сенин бул тутқон дастуринг аслзодаларга ярашмағай, гадолар, ота безорилар, аҳли аёлидин этак силтаган бераҳму лодон-лоғоч юмуши бу! Қиёмат кун пушти паноҳим ила волидаи меҳрибонин ризо бўлиб дуойи бад қилмасинлар десанг, мана бу чирик либосларингдин воз кеч, шахзодаларга хос қиёфага киргин, кўтлуғ хонадонингни тавоф қил. Ёнимда қол. Мен ҳужамою уламони чорлаб, салтанатга жар солдириб масжидларда номингни хутбога қўйиштиб ўқитаман. Бугундан бошлаб валиаҳд Кутбиддин ибн Маҳмудхон ибн Арслонхон Самарқанд подшолигини ўз дасти панжасига олди деб.

Султон гапиряпти-ю, қилч дастасидан дағал тортган қўли билан ўғлининг тақир бошини аста-аста пайпаслаб ўтирибди. Лекин Кутбиддин, бу қўлнинг тафтини сезмагандек эди. Гўёки боши узра пуштипаноҳининг қўли эмас, ўзига тамом бегона, ҳали кийилмаган либос оҳишта сирғалиб тургандек. Тахминан қирқ кунча илгари ҳам унинг бошини бир кафт силаган, у кафтнинг иссиғи жонжаҳонини яйратиб, вужудига қувват, илҳом, шуурга зиё бағишлаган эди. Чунки у қўл мушук эди, пири комили, туркий сулоқ сарҳалқаси бўлмиш улўғ авлиё Ҳазрат Султон ул-орифининг табарруқ панжалари эди!

(Давоми бор).

Ленгер шахрининг тарихи ниҳоятда бой. Айниқса, кўмир конлариники. Август ойининг сўнги яқшанбасида Қозоғистонда “Кончилар кунни” нишонланади, шу муносабат билан мавзуга оид мақола тайёрлаш учун бевосита ленгерликларга мурожаат қилдик. Кўп йиллар шахрининг ижтимоий ҳаётига улкан ҳисса қўшиб келган Вера Семеновна Покрова бир-биридан қизиқарли одамлар билан таништирди, ажойиб маълумотлар билан ўртоқлашди.

Конлар тарихини махсус архив ҳужжатлари ва тарихий маълумотлар асосида ёритилган мақола орқали ўрғаниб, ноёб ахборотларни сизга ҳам ҳавола этмоқдамиз. Бунини Тўлебий туманидаги таниқли шахс, славян этномаданият бирлашмаси раисаси, туман кутубхонаси мудираси Светлана Шишкина тақдим этди. У фахрли кончилар авлодининг вақиласи, отаси ва акиси ҳам фахрий кончилар бўлишган.

ҲАР НАРСАНИНГ ТАРИХИ БОР...

Ленгер тарихи XIX аср охирига тўғри келади. Ленгерсай деган қишлоқ кўмир конларининг пайдо бўлиши билан тубдан ўзгарди. Ва кўмир конларини ўзлаштириш даврини бошлаб берди. У пайтларда конлар унчалик чуқурда бўлмаган, шунинг учун кўмирни оддий кўтаргичлар ёрдамида олиш имкони бўлган. Бу ишда кўлда бажариш осон эмасди. Шунда ёрдамга отлар келган... Ҳа, отларга жабдуқлар ясаб, гилдиракка бириктиришган. От юрган сайин, гилдирак айланган, кўмир талага кўтарилган. Шундай қилиб, деярли 70 йил давомида отлар беминнат ёрдамчи бўлиб, конда ишчилар билан тенгма-тенг ишлашган.

Шимкентда “Химфарм” (сантонин) заводи қурилган. Ҳали конларини саноат усулида қазиб олиш бошланди. 1905 йилдан 1917 йилгача Ленгерда учта кичик кон ишлаган. Кўмир туялар, отлар ва хачирларда мижозларга етказиб берилган.

КИМЛАР ИШЛАГАН?

1918 йил баҳориди Ленгер кўмир конлари миллийлаштирилди ва Туркiston республикаси Халқ ҳўжалиғи Марказий Кенгашининг тоғ-кон бошқармасига топширилди. Фуқаролар уруши даврида темир йўл транспорти учун ҳам, саноат учун ҳам кўмир ниҳоятда керак эди ва танқислик қаттиқ сезилган. Мутасаддилар қишлоқма-қишлоқ юриб, меҳнатга лаёқатли аҳолини конларда ишлашга тақлиф қилишган (аслида мажбур қилишган). Ва беҳтиёр одамлар ер остига тушишга мажбур бўлишди, чунки бу оғир иш учун озик-овқат карточкалари ва кафолатланган “паёк”лар берилган.

»» 25 август – Кончилар кунни

АСРГА ТАТИГУЛИК КУНЛАР ЭДИ



лаган, бундан ташқари кўмир Қирғизистонга ва Туркiston-Сибирь темир йўлининг Жанубий қисмига етказиб берилган.

Уша даврдаги маълумотларга эътибор қаратсак, қизикарли фактларни ўқиймиз. “Эвакуация қилинганларнинг аксарияти бизнинг шахарга келишсада, ишчи кучи ҳамон етишмасди. Энди эрларини фронтга жўнатган аёллар Донбасс ишчилари билан тенгма-тенг ер остида ишлаб бошладилар.

Кўмир йилига 339 минг тонна қазиб олинса-да, унга бўлган эҳтиёж камаймади. Тўртинчи конни очишга қарор қилинди. Албатта, бунга маблағ йўқ эди, шунинг учун қурилиш «иқтисодий жиҳатдан қимматга тушди». Чунки, янги кон учун ҳамма нарсаи тежашди: ишчиларга тўловлар, муқофотлар камайди. Ва 1942 йилда янги шахта фойдаланишга топширилди. Лекин ишчиларнинг бирортаси норози эмасди. Уруш йилларида одамлар ўртасидаги ахиллик ҳавас қиларли даражада эди. Шу тариқа янги конда мингдан ортиқ одам иш билан таъминланди.

НА ҲАЛОҚАТ, НА ЖАРОҲАТ

5-сонли конни “Шахтостройпр-авление” қургани учун уша даврнинг энг янги технологиялари ишлатилди: замонавий тортиш ускуналари — “лебедак”лар, лифтли кабеллар ва бошқалар. Лекин у атиги ўн йил ишлади, ер остидаги дарё сувига дуч келди ва ишлашни тўхтатди.

Охири кон “Тўғуз” 1961 йилда фойдаланишга топширилган. Бу пайтда шахарда мутахассислар етарли эди. Бундан ташқари, 2-кон ёпилиб, кейин 4-кон кўмир ишлаб чиқаришни тўхтатди. Ишчилар янги иш жойига кўчиб ўтдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, Ленгер шахталарининг бирортасида бахтсиз ҳодиса юз бермаган, биронта ишчи жиддий жароҳат олмаган.

60-йилларнинг иккинчи ярмида Москва Ленгер конларини бевосита назорат қилишни тўхтатди ва улар Қарағанди кўмир заводи қарамоғига ўтди. Ва конлар тарақиёти учун маблағ ажратилмай қўйди, ускуналар хариди тўхтади, барчага Қарағанди кўмири етказиб берила бошлади. Ҳа, Ленгер кўмирининг энергия қуввати камлиги туйфайли саноат корхоналари учун мос келмасди. Шу боис уни “рўзгор кўмири” деб ҳам аташарди. Аммо у уй-жойларни, иссиқхоналарни, кичик гишт заводларини иситиш учун қулай эди.

Қарағанди маъмурияти аста-секин Шимкентдаги вилоят раҳбариятини Ленгер конларининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканига ишонтирди. Уша пайтда “Фосфор” заводи фойдаланишга топширилаётган эди ва кончиларни янги жойга фаол жалб қилишни бошладилар.

УРУШ ЙИЛЛАРИДА-ЧИ...

УВУ йилларида “Ленгеруғли”-да Қизилўрда, Алмати саноат корхоналарининг аксарияти иш-

»» Хотира муқаддас

ИБРАТЛИ ОТАХОН ЭДИ

Э. Маҳкамбой ўғли 1946 йили 10 мартда таваллуд топган. Шаҳар коммунал корхонасида узоқ йиллар фаолият юритиб, нафақага чиққач, 2015 йили ҳаж сафарини адо этди.

Умр йўлдоши Умсиной Мирзакарим қизи билан фарзандлари — Эркин, Тўлқин, Учқун, Ҳасан, Ҳусан, Насиба, Нарғизаларни тарбиялаб, вояга етказди, невара-эваралар қўрди.

“Бирлик” кичик тумани мутасаддиси Тойир Абдувалиев ташкилотчилигидаги барча хайрли тадбирларда фаол иштирок этиб, тотувлик ва ҳамжиҳатлик, адолатпарварлик ҳусусида ўз мулоҳазаларини изҳор этар эди.

Эргашбой Маҳкамбой ўғлининг охирати обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.



Туркiston шахрининг “Бирлик” кичик тумани турғуни, фаол обуначиларимиздан Эргашбой ҳожи Маҳкамбой ўғли (таввирда) 78 ёшида дорулфанондан дорулбақога рихлат қилди. Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсин.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти — “Бирлик” умумтаълим мактаби директори Тўлқин Маҳкамбоев ва “Бирлик” кичик тумани ҳокимлиғи масъул ходими Ҳусан Маҳкамбоевларга падари бузрукворлари

Эргашбой МАҲКАМБОЙ ўғлининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

»» Авлодлар ворисдошлиги

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги "Деҳқон ота" чойхонаси бугунги кунда қариллик гаштини суриб, фарзанду неваралар даврасида умргузаронлик қилаётган Қувонч Абдурахмонов, Турсунхўжа Хонхўжаев, Тўлаганшиқ Темиршиқов, Ирисали Маҳкамбоев, Ирисмат Ҳавазматов, Турсунхон Холмуродов, Аъзам Имомсаидов каби нурунийлар ҳар куни дийдорлашадиган, соя-салқин дарахтлар оғушида гурунглашиб, мириқиб ҳордиқ оладиган сеvimли масканга айланган.

Яқинда ушбу гўшага ташриф буюрган Қозғоғистоннинг фахрий қурувчиси Низомхон Сулаймонов отахонларга хурмат ва эҳтиром кўрсатди.

— Қадрли оқсоқоллар! — деди у. — Сизлар билан ҳамisha фахрланамиз. Ҳар бирингиз жонажон юртимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшгансиз. Барчангиз узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, эл хурма-

ОТАХОНЛАРГА —
ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИБОР

ти ва эҳтиромга сазовор бўлдингиз. Сизларни кўрсам, падари бузрукворимни кўргандек бўламан, зеро, сизлар у билан бирга хизматдош бўлгансиз. Сизларнинг эл равнақи йўлидаги залворли хизматларингизни алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Ёш авлод сизлардан ўрнатқилиши зарур. Доимо соғ-омон кўринглар! Элимиз тинч, юртимиз обод бўлсин!

Шундан сўнг у қарийб ўн йил давомида Сайрам даҳасининг тубебий лавозимида самарали хизмат қилган Қувончбой Шамшиметовга миннатдорчилик билдириб, унинг елкасига чопон ёпди. Шунингдек, унинг ўринбосари, солиқ органларининг фахрийси Шуҳрат Раҳметов, таниқли тадбиркор ва



санъаткор Толиббой Ниёзхожиев ҳамда даврадаги табаррук оқсоқолларга эҳтиром кўрсатиб, совғалар улашди.

Сухандон Абубакир Хонхўжаевнинг куйидаги тўртлиги

файзли давранинг руҳини ифода этгандек бўлди:

**Илму фан ё сеҳри афсунларга моҳир бўлса ҳам,
Чеҳрасинда ою офтоб нуру зоҳир бўлса ҳам,
Еру кўкда ҳар нечук ишларга қодир бўлса ҳам,
Тенгу йўқ хонанда-ю бемисли шоир бўлса ҳам,
Эл ичинда буй эгиб, таъзим этардан қолмасин,
Айтинг, эл аро ҳеч ким на зардан қолмасин!..**

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



»» Заковатли миллат

Одамзод китобдан умрбод қарздор. Китобсиз ҳеч ким келажакнинг олтин калитини кўлларига кирита олмайди. Мардан Раҳматулла — ўн етти ёшда бўлиб, унда тенгдошлари орасида топилмайдиган ажойиб хусусиятлар мужассам. У китобни ниҳоятда севади.

Жамиятимизда «Ёшлар китоб ўқимайди» деган салбий фикр мавжуд. Бу йигит эса ҳаётининг бир кунини ҳам китобсиз тасаввур қила олмайди. Маълумки, билимли ёшларга минглаб таълим грантлари ажратилмоқда. Лекин улардан бири китобни севиш ва китобни хазина сифатида билиш учун берилган грантдир. Илк бор бу таълим гранти ҳақида эшитганимда, ростки, ишонгим келмади. Бугунги телефонига термулиб умри беҳудага ўтиб бораётган кўплаб ёшлар орасидан шундай грант соҳибини излашга тушдим. Топдим. У 9 ёшидан турк, рус, қозоқ тилларида раво гапирадиган ва бу тиллардаги бадий адабиётларни ўқий оладиган Мардан экан. Унга китоб ўқишни бобоси Раҳматулла Алиев ўргатган. Ўз даврининг фаол фуқароси бўлган отахон ҳали ҳам қишлоқ бийи сифатида эл-юрт корига яраб турибди.

Бобосининг таълим-тарбияси билан китобга қизиққан Марданга нуфузли олий ўқув юрти

Китобсеварлар бепул ўқийди



— академик Абдумуса Қуатбеков номдаги Халқлар дўстлиги университетидега ўқув гранти берилди.

Университет ректори Рабиға Қуатбекова билан ректор гранти ҳақида суҳбатлашдик.

Рабиға Қуатбекова:

— Ёшларнинг билим олишига интилишини кучайтириш — бугунги ахборот замонида

долзарб муаммо ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Қасим-Жумарт Тўқайевнинг зиёли авлодни шакллантириш гоясини амалга оширишдан биз ҳам манфаатдоримиз. Умидли ёшларимиздан бири Мардан Қанатули «Тулқибош туманининг энг яхши ўқувчиси — 2023» номинацияси билан тақдирланган. Республикадаги юз нафар энг яхши ўқувчилардан бири.

Унинг танлаган мутахассислиги — жисмоний тарбия ва спорт. Ишончим комилки, у ўзини кучли талаба сифатида кўрсатади.

Мардан Раҳматулла:

— Мен ҳаётимдаги барча ютуқларни китоб билан боғлайман. Китобни севишни бобомдан ўргандим. Менинг қадрдон кўшим — бу йил мен тугатган ўқув муассасаси Олег Кошевой номидаги умумтаълим мактабининг кутубхоначиси Тамаша Усмонова. Малакали мутахассис. Китоб ўқишим учун менга ёрдам беришга доим тайёр. Шунингдек, олий маълумот олишим учун имконият яратиб берган университет ректори Рабиға Абдимусақизига миннатдорчилик билдираман! Мардан айтган Тастумсиқ қишлоқ кутубхонасида китобхонлар учун барча шароитлар муҳайё.

Лекин у кўлига тушган ҳар хил китобни бирдек ўқийвермайди. Аввал китобнинг икки саҳифасини ўқиб, мазмуни ёқсагина, мутолаани давом эттириши мумкин.

Жамиятимизда Мардан каби китобхон ёшлар кўпаяверсин.

Демет БАЙРАМОВА,
филология фанлари номзоди.

»» Ойнома

Ўзбекча — бошоқ, форсча — хуша, русча — дева, арабча — сумбула.

Сумбула 23 августдан 21 сентябргача, 30 кун.

Шу мuddат оралиғида туғилганлар бурж ҳисобида СУМБУЛАДИР.

СУМБУЛА ўзининг салқин, ёқимли ва мўътадил об-ҳавоси билан кишиларга роҳат, қалбларга қувонч бағишлайди. Деҳқон меҳнати, ботбон ҳайратини, чорвадор шижоатининг самараси шу ойда кўпроқ намоён бўлади. Узум, анжир, анор, қовун, тарвуз, помидор ва бошқа замин неъматлари фарқ пийшади. Чорва моллари тез семиради, сигирлар сути куюқлашади.

СУМБУЛА дохил бўлиши би-

СУМБУЛАЖОН, СУМБУЛА...

лан соҳибкорлар енг шимариб ишга киришадилар. Дастлаб қорак қишмиш, сўнгра оқ қишмиш ва бошқа нав узумлар йиғиб-териб олинади, майиз қуритилади.

Бу ой кириши билан табиатда ҳам ўзига хос ўзгаришлар содир бўлаверади. Эътибор берган бўлсангиз, сумбуланинг дастлабки куниданоқ булутли кунлар кўпа-

йиб, тез-тез шамол эса бошлайди. Ҳарорат пасаяди, кечалари, айниқса, салқинлашади. Булоқлар, дарёлар суви камаяди. Шунинг учун қишлоқ кишилари: "Сумбула — ёз билан қиш ўртасидаги ғанимат фурсат, унинг ҳар бири кун ва ҳар бир дақиқасининг қадрига етиш керак", "Сумбула чиқши билан изғирин бобо, ундан сўнг қорбобо эшик қоқади", "Сумбула салқин билан огоҳ-

лантиради", "Сумбулада сув тинир" каби ўғит ва ибораларни тез-тез такрорлаб турадилар.

СУМБУЛАда ёгингарчилик деярли бўлмайди (ҳар ўн беш, йигирма йилда содир бўладиган сийрак ҳодиса бундан мустасно). Ҳавонинг ҳарорати ўртача 18-30 даража атрофида бўлади. Кексаларнинг хотирлашича, сумбулада баъзан бениҳоя иссиқ ёки аксинча, дурустгина совуқ кунлар ва тунлар кечиши эҳтимолдан холи эмас.

Аммо кузги тенгкунликдан (мезоннинг кириши) сўнг изғирин, совуқ ва ёгингарчиликлар бўлмайди, деб кафолат бериш қийин.



ШОҲБАЙТ

"МЕНКИ БИР ГУЛДИН ЖАҲОН
БОҒИДА БҮЙИ ТОПМАДИМ,
НАЙЛАЙИН, ҚИЛСА МУАТТАР
ДАҲРНИ БҮСТОН ИСИ
Алишер НАВОЙИ.

(МАЗМУНИ: "БУ ЖАҲОН БОҒИДА
МЕН БИР ГУЛНИНГ ҲИДИДАН БАҲРА-
МАНД БҮЛЛӨМАСАМ, ЕР ЮЗИНИ БҮСТОН ИСИ БОСИБ КЕТ-
ГАНИДАН МЕНГА НИМА ФОЙДА?").

"ОҚИЛ КИШИЛАРГА БУЮК ҲУҚМ-
ДОРЛАР КҮПИНЧА НАФРАТ БИЛАН
ҚАРАШАДИ".

Кун ҳикмати

Эразм РОТТЕРДАМСКИЙ,
ёзувчи, филолог ва дин пешвоси.

"СЕНИ БИР ИНСОН АЛДАЙДИ ВА
СЕН МИНГЛАБ ИНСОНЛАРГА ИШОН-
МАЙ ҚУЯСАН".

Махатма ГАНДИ.

"Ори бор одам ҳеч қачон дунё-
нинг номардликларига беларво
қараб турмайди. Дунёнинг кўзига
тик қарайди. "Ўв, сенга нима бўл-
ди?", дейди. "Ҳақиқатни оёқости
қилма, увовли уради!", дейди".

Усмон АЗИМ.

"ОҒИЗ — АҚЛНИНГ ДАРВОЗАСИ. АГАР
УНИ ОЧИҚ ҚУЙСАНГ, АҚЛ УНИ ТАШЛАБ
КЕТАДИ.
ХАЁЛ — АҚЛНИНГ ОЁҒИ. АГАР УНИ
ЖИЛОВЛАМАСАНГ, АҚЛНИ ТЎҒРИ ЙҮЛ-
ДАН АДАШТИРАДИ".

Кун ҳикмати

Хуан ЦЗИЧЭН,
Хитой адабиётида афористик жанрни
бошлаб берган мутафаккир.

"ТЕЛЕФОН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДОИРАСИДАН ТАШҚА-
РИДА", ДЕГАН ЖАВОБНИ ЭШИТГАНДА УЙЛАНИБ ҚОЛА-
МАН: ТЕЛЕФОН-КУ, МАЙЛИ, БАЪЗИ БИР ОДАМЛАР ҲАМ
ЎЗ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА ҚОЛИБ
КЕТИШМАЯПТИМИ?".

Ҳабиб СИДДИҚ.

"БЕМОР СОҒАЯДИ, МАСТ ҲУШИГА КЕ-
ЛАДИ, ҚОРА СОЧ ОҚАРАДИ, ЛЕКИН НОДОН
НОДОНЛИГИЧА ҚОЛАДИ".

Шолом-АЛЕЙХЕМ,
америкалик ёзувчи.

ҚАРОР

- Касаллик — насибандир, даво излаш эса сенинг қароринг.
- Ҳаётингдаги шахслар насибандир, уларни ҳаётингда асраб қолишинг эса сенинг қароринг.
- Фарзанд — насибандир, унинг тарбияси эса сенинг қароринг.
- Ота-она — насибандир, уларнинг розилигини олиш сенинг қароринг.

Демак, насибаларингдан эмас, айнан қарорларингдан жавобгар бўласан!

Жалолдин РУМИЙ.

»» Таботат

ЁҒ БОСГАН ЖИГАРНИ ДАВОЛАБ,
ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ХАЛОС БЎЛИШГА
ЁРДАМ БERAДИГАН МАСЛАҲАТЛАР

Биринчи навбатда тўғри овқатланиш қоидаларга риоя этиш соғлом жигар гаровидир, чунки у ҳам ошқозон каби ҳазм қилиш вазифасида иштирок этади.

Транс ёғлар, шакар қўшилган ва қайта ишланган маҳсулотлар истеъмолини чекланг. Уларнинг ўрнига мева, сабзавот ва қўқатларни рационга қўшинг.



Жисмонан фаол бўлинг. Узоқ масофага ҳар кун пиёда юриш, югуриш, йога ёки сузиш — ўзингизга қулай бўлган фаолиятни танлашингиз мумкин.

МУЗҚАЙМОҚ САЛОМАТЛИК
УЧУН ФОЙДАЛИМИ?

Музқаймоқда кўп миқдордаги кальций (кунлик мевёрнинг 20-30 фоизи), шунингдек, суяк метаболизмининг тартибга солишда иштирок этадиган, суяклар ва тишларнинг мустаҳкамлашишга ҳисса қўшадиган калий ва фосфор ҳам мавжуд.



Бундан ташқари, ушбу ширинликда А, В1, В2, С, Е, РР, магний ва натрий дармондорилари мавжуд.

**Директор — Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
**Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.**

Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон — Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ — Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт — Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетсай, Мақтаарал — Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саруогач — Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси — «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт
ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонида 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
КЗ34VPY00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR»нинг МҲБ босмахонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқовул кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи — 65466.

Адади — 11200 нусха.

Бўғим:
2003.

Набатчи муҳаррир: Хуршид ҚҮЧҚОРОВ.